

## ЖАҲОНДА БИР ВАТАН БОРКИ...

Жаҳонда бир ватан борки, манимдир у, манимдир у,
Тенги йўқ гулшанимдир у, туганмас маъданимдир у.

Бошим узра паноҳимдир, қуёшимдир у, моҳимдир,
Сиғинган саждагоҳимдир — муқаддас масканимдир у.

Асрларким, узоқ уйқу босиб ётган бобомдир у,
Асрларким этиб орзу тағин уйғотганимдир у.

Ётар қаърида тиллолар, ниҳон бағрида маъволар,
Макони сирли дунёлар — макони маҳзанимдир у.

Жаҳон узра жаҳонимдир, еримдир, осмонимдир,
Унинг чун сатқа жонимдир, қасамёд этганимдир у.

Тирикманки, Зиё, ҳар дам ютуғи — завқ, ғами — ғуссам,
У бирла қолгум — ўлсам ҳам танимдир у, танимдир у.

## ОДАТ

Гарчанд эрур қадимдан яхшини суймоқ одат,
Лекин мен учун ёмонни яхшига йўймоқ-одат.

Тутгуси қўлда ҳар дам жаҳл оти тизгинини,
Қай зотга бўлса тилни ҳар лаҳза тиймоқ-одат.

Дерман этиб ибодат, бахш айласин саодат
Гар кимга бўлса ишқий оташда куймоқ одат.

Суратда шод кўринсам айб этмагилки нодон,
Оқил элига ғамни сийратда туймоқ — одат.

Менким, Зиё, ҳамиша зулматни қувгучиман —
Феълимдир, эзгуликни оламга ёймоқ — одат.

## ЎЙЛАР

Бу дунёга бани одам нечун келгай, нечун кетгай,
Нечунким, ул ҳамиша оч, юпун келгай, юпун кетгай.

Келар чоғда тугиб муштин, очиқ қўл кетгуси кетса,
Не ваъждин дард тўла қалби тугун келгай, тугун кетгай.

Сабабсиз оқибат йўқдир, ҳаёт боқий, лек умримиз,
Тўкин боғ ичра бамисли қуюн келгай, қуюн кетгай.

Нечун келдинг, Зиё, нечун кетгайсан? Бунда не сир бор?
Қидир, топ! Сен-ла чўнг маъни — фузун келгай,
фузун кетгай.

## РАЗОЛАТ

Бунчалар разилдир бу аҳли ножинс,
Наҳотки, ўлимдан олмасдан ибрат.
Тобутнинг ортидан икки ғаламис,
Қилиб кетаётир марҳумни ғийбат.

## СЕВИМЛИ МУЛЬТФИЛЬМИМГА ШАРҲ

«Букрини гўр тўғрилар», чиндан,
Жуда топиб айтилган мақол.
«Сенимни шошмай тур» аталган
Фильм — бунга жуда мос тимсол.

Ҳар қадамда таъзир еб қанча,
Қуриса ҳам неча бор шўри,
— Сенимни, шошмай тур, — деганча,
Қувлайверар Қуённи Бўри.

## МАКТАБ ҲОВЛИСИДА

— Ассалом, мўйсафид!
Бормисиз бардам!
Кўзингиз нигорон — излайсиз кимни?
— О, бўтам, қадрдон ушбу жойлардан
Ахтариб юрибман болалигимни...

Зиёвиддин МАНСУР.
Уйчи тумани.


Vatanni sevmak iymondandur!

# O'ZBEKISTON OVOZI

O'zbekiston Xalq demokratik partiyasi gazetasi

1997 yil 1 fevral, shanba № 14 (22.099).

Gazeta 1918 yil 21 iyundan chiqa boshlagan


## АҲИЛЛАР КЎЧАСИ

· Қайнона-келин можаросини деярли барча оилада кузатиш мумкин. Хитойда ҳам ушбу «нозик дипломатия» тўғрисида турли хил латифалар тўқилган. Лекин, буни қарангки, Хитойнинг шимоли-шарқидаги Далиян шаҳрида қайнона-келинлар худди она-болалардек яшайдиган бир кўча бор экан. Шаҳар ижтимоий таъминот хизмати вакиллари ҳамда маҳаллий матбуотнинг таъкидлашича, 50 нафар оила истиқомат қиладиган бу кўчада бирор марта ҳам «қайнона-келин» можароси содир бўлмаган.

Маълум бўлишича, хонадондаги тотувлик ўзаро бир-бирини тушуниш ва ҳурмат қилишга асосланган экан. Яъни, энг шинам ёток қарияларга берилади, рангли телевизор ҳам аксари ҳолларда ўша хонага қўйилади. Ёзилмаган тартиб-қоидага биноан, янги келин тўйдан кейин барча қўшнилар уйига «самимий ташриф» буюради. Бундай муҳитда эса, табиийки, бирор жанжал пайдо бўлиши қийин.

*Хоҳ ишонинг...*

## УЧ ОЁҚЛИ ЖЎЖА

Ўзим Таллимаржон шаҳрида яшайман. Яқинда биздан 61 чақирим нарида жойлашган Каркича (Туркманистон) шаҳридаги қариндошларимизникига меҳмонга бордим. Каркича баҳаво маскан, тоғ бағрида жойлашган.

Қарангки, бу ерда табиат кўркига маҳлиё бўлиб туриб, уй бекаси Шарофат аянинг товуқларига кўзим тушиб қолди. 20 га яқин товуқ ва жўжалар орасидан биттасини кўриб, ҳайратдан ёқа ушладим. Нега десангиз, бу жўжанинг учта оёғи бор эди: иккитаси олдинда, учинчиси орқада. Жўжа тетик, бемалол донлаб юрарди.

Уч оёқли жўжа ҳақида Шарофат аядан сўрасам, у киши айни ёз ойлари курк бўлган товуғининг тагига 21 дона тухум бостиргани, шулардан учтаси палағда, 18 таси жўжа очганини айтди. «Биттаси эса уч оёқли жўжа билиб чиқди», — деб кулиб қўйди ая.

Мана сизга табиатнинг ажойиботлари!

**Жўра ҒОЙИБОВ,**
**Қашқадарё вилояти.**

KUNNOMA

## RAVOTLIKLAR QUVONCHI

JIZZAX. "Ravot" yilqichilik xo`jaligining ta`rifi mamlakatda ma`lum. Mazkur dovrug`li markaziy qo`rg`oniga gaz keltirilishi hamqishloqlarni behad quvontirdi. Ramziy mash`alni mehnat faxriysi, asr tengdoshi Jo`raboy ota Turdialiyev yoqib, gazchilarni duo qildi.

*Keldiyor JO`RAQULOV.*

## TADBIRKORLAR TANLOVI

BUXORO. Haykaltarosh Salim Shukurullayev yaratgan asarlar muxlislari ortib bormoqda. Yaqinda mohir usta tadbirkorlar tanlovida qatnashib, o`zi yaratgan naqqoshlik va o`ymakorlik san`ati namunasi - xontaxta va o`rindiqlari uchun g`olibllikka erishdi. Haykaltarosh besh ming so`m pul mukofotiga ega bo`ldi.

*Dilbar RAHMONOVA.*

## BESH BAROBAR FOYDA

NAMANGAN. Chortoqdagi "G`alabaning 45 yilligi" jamoa xo`jaligida yangi sex ishga tushirildi. Bu yerda kuniga 1 tonna sut quyiltirilmoqda, qaymoq, suzma, pishloq kabi mahsulotlar tayyorlanyapti. "Ilgari bir tonna sutni 10 ming so`mga sotib yuravergan ekanmiz, - deydi xo`jalik raisi I.Sharipov. -Mana endi, shuncha sutdan 5 barobar ko`p foyda olyapmiz."

*Mahmudjon PARPIYEV.*

*Шунақасиям бўлади*

## ИНСОН МИЯСИДАГИ МЎЪЖИЗА

Америка Фазо маркази мутахассисларидан иборат ўн беш киши 1978 йилда коинотнинг кичрайтирилган бир харитасини чиздилар. Бўйи ва эни йигирма метрли бу харитани катта хонанинг деворига осиб қўйдилар.

Ўша куни бу ерга меҳмон бўлиб келган бир тиб олими даҳшат ичида бақираёзди:

— Бўлиши мумкин эмас!..

— Нимани айтяпсан? Тинчликми ўзи? — деб сўрашди ундан.

— Илтимос, йўқ деманглар, ҳозироқ бир учоққа ўтирамизу бизнинг шаҳардаги университетга борамиз, — деди ҳаяжонидан ҳовлиқиб. Шундай қилишди. Икки юз чақирим узоқликдаги бу шаҳарга етиб, учоқдан тушибоқ тўғри тиб олимининг университетига борилди. Мезбон бошлаган хонага киришлари билан бу сафар само илми профессорларининг кўзлари чақнаб кетди: деворда айни катталикдаги ўша харита осиғлиқ турарди!..

— Қандай бўлиши мумкин? — дедилар ёқа ушлаб. — Тиббиётчиларнинг коинот билан нима алоқалари бор?!

Тиб олими вазминлик билан, ўзини босишга уриниб:

— Азизлар, бу кўриб турганингиз — инсон миясининг катталаштирилган ифодасидир...

*Спорт*

## КУБОК УЧУН БАҲС

Таэквандочиларнинг мамлакат кубоги учун курашида 12 жамоа иштирок этди. Тошкентда ўтказилган бу мусобақа мухлисларда яхши таассурот қолдирди. Ҳал қилувчи учрашув Тошкент ва Сирдарё вилояти жамоалари ўртасида давом этди. Баҳсда пойтахт вилояти спортчилари устун келишди. Тошкент шаҳар таэквандочиларига эса 3-ўрин насиб этди. Мамлакат терма жамоаси энди Малайзияда ўтказиладиган Осиё чемпионатига ҳозирлик кўради.

### ЭРТАГА ҒОЛИБ АНИҚЛАНАДИ

Футбол бўйича МДҲ чемпионлари кубоги учун Москвада ўтказилган учрашувлар якунланмоқда. 16 жамоа тўрт гуруҳга бўлиниб саралаш ўйинларини ўтказди. Чорак финалда «Сконто», «Спартак», «Копет-доғ» ҳамда Киевнинг «Динамо» футболчилари зафар қучишди. Кеча «Спартак» — «Копет-доғ» ва «Сконто» — «Динамо» (К) футболчилари ўртасида ярим финал ўйинлари бўлиб ўтди. Эртага ўтказиладиган ҳал қилувчи учрашувда ғолиб аниқланади.

### МАҲОРАТНИ ОШИРИБ

Москвада дзю-до кураши бўйича халқаро мусобақа ўтказилди. 20 мамлакатдан келган спортчилар ўзаро беллашишди. Мамлакатимиз спорт шарафини ҳимоя қилган йигитлар совринли ўринларни эгаллашга ҳаракат қилишди. Жумладан, Андрей Штурбабин жами 5 та ғалабага эришиб, бронза медалини қўлга киритди. Шунингдек, Камол Муродов билан Икром Ҳолиқов кучли олтиликдан жой олишган бўлса, Баҳром Авазов 7-ўрин билан қаноатланди.

## МАДАНИЯТ ХАБАРЛАРИ

*ХОРАЗМ. Огаҳий номли мусиқали драма театри ижодий гуруҳи туманларга сафар қилиб, маданий хизмат кўрсатмоқда. Жумладан, Эркин Мадраҳимовнинг «Ўрмондаги томоша» спектакли ишқибозларга манзур бўлди.*

**Мухтасархон КАРИМОВА.**

*БУХОРО. Варахша қишлоқ маданият уйида Абдурауф Фитрат таваллудининг 110 йиллигига бағишланган «Буюк инсон» деб аталган мусиқали кеча уюштирилди. Кечада Фитратнинг миллат, эрк, ҳур Ватанга бағишланган асарларидан парчалар ўқилди.*

**Фотима ЖУМАЕВА.**


B.K. INTRANS

**Ҳурматли мамлакатимизнинг ишбилармонлари, хорижий сармоядорлар ва тадбиркор жаноблар!**

Жамоангиз манфаати йўлида ва мамлакат тараққиётининг юксалишида фидойиликни истасангиз, маҳсулотларингизни дунёнинг исталган мамлакатига етказиб беришни ёки корхонангиз учун зарур бўлган саноат жиҳозларини олиб келишни хоҳласангиз биз билан ҳамкорлик қилинг. Муродингиз Сиз орзу қилгандек ижобат бўлғусидир.

**"Б.Қ.Интранс" очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти ва жамият қошидаги "Б.Қ.Афғонсавдотранс" қўшма корхонаси**

бу борадаги ишингизнинг намунали ва тез кўчишида Сизга ёрдам беради.

Муҳими, ҳамкорлик қилганингиздан сира ютқазмайсиз. Маҳсулот ва керакли жиҳозларингиз ўз сифатини йўқотмайди. Чунки, биздаги барча юк тарнспортлари халқаро талабларга хос ва мос. Юкингиз 20-30 тонна юкни ташишга мўлжалланган "Мерседес-бенц" ва "СуперМАЗ"ларда олиб борилади.

Шунингдек, жамиятимизда сайёҳлар ва тадбиркорларнинг узоғини яқин, оғирини енгил қила оладиган "Мерседес-бенц" автобуслари ҳам мавжуд. Бундан ташқари, талаб даражасида жиҳозланган омборхоналарда юкингизни сақлаш, декларант ва сайёҳлик хизматидан фойдаланиш имкониятига ҳам эгасиз.

Мурожаат учун манзил: Бектемир тумани, Жўрабек Остонов кўчаси, 25 уй. "Б.Қ.Интранс" очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти.
Тел: 90-70-24, 90-36-03, 31-30-71, 30-54-11. Факс: 90-37-37.



Диққат!
ИМТИЁЗЛИ РЕКЛАМА
"Осиё бозори" газетаси
маҳаллий товар ишлаб чиқарувчиларнинг реклама ва эълонларини 30% арзон нархларда чоп этади.

Бизга қуйидаги телефонлар орқали мурожаат қилинг:
(3712) 33-79-14, 33-47-80. Факс: (3712) 33-54-55.



«АКАТЭКС ТЕКСТИЛЬ САНОАТ ВА ТИЖОРАТ ЛТД»

Ўзбек — турк қўшма корхонаси полипропилен ун қопларини ҳамда тегирмон валларини пул ўтказиш йўли орқали

СОТАДИ

Бизнинг манзил: Тошкент шаҳри, Асака кўчаси, 52. НПО «Технолог» биносининг 4-қаватида (3-ун заводининг ёнида).
Тел: 68-77-36.



**Вниманию руководителей автопредприятий!**
**Ташкентский филиал АО УзАСК «Йўловчи» предлагает запчасти на автомобили**

| Наименование продукции | Ед-ца измер | Количество | Цена за ед-цу |
|---|---|---|---|
| ГАЗ-24 | | | |
| Автошины РАФ 185*15*82 (Бобруйск) | шт | 76 | 8000 |
| Водяной насос | шт | 7 | 8880 |
| Втулки распредвала | к-т | 35 | 2500 |
| Втулки резьбовые с болтами (на 1 авт.) | к-т | 21 | 2320 |
| Кардан передний УАЗ К-469 | шт | 3 | 2500 |
| Кардан передний УАЗ-452 | шт | 19 | 3300 |
| Ремень 8,5-8-1018 | шт | 131 | 300 |
| ГАЗ-53 | | | |
| Блок шестерен (КПП) | шт | 6 | 6440 |
| Вал первичный (КПП) | шт | 12 | 4600 |
| Гидроусилитель ПАЗ-672 | шт | 7 | 6200 |
| Диафрагма бензонасоса | шт | 190 | 144 |
| Индукционная катушка Б-114 | шт | 8 | 3960 |
| Капот Г-53 | шт | 5 | 4000 |
| Крестовина | шт | 55 | 600 |
| Крыло Г-53 | шт | 2 | 3500 |
| Накладки сцепления | шт | 100 | 276 |
| Привод спидометра | шт | 57 | 510 |
| Распределитель зажигания Р-133, Р-137 | шт | 4 | 5400 |
| Свеча запальная А-11, А-17 | шт | 100 | 180 |
| Сопротивление СЭ-107 (вариатор) | шт | 31 | 1100 |
| Трос спидометра 1,5-3,0 м. | шт | 200 | 590 |
| Труба глушителя | шт | 16 | 220 |
| ЗИЛ-130 | | | |
| Балка пер.моста | шт | 2 | 10 000 |
| Вал первичный | шт | 7 | 2200 |
| Вкладыши шатунные все размеры | шт | 46 | 660 |
| Вкладыши коренные все размеры | шт | 46 | 660 |
| Шестерня 1ой. 5 ой передачи вторичного вала | шт | 10 | 1050 |
| Кольца поршневые Р-100,5; Р-101,0 | к-т | 382 | 720 |
| Накладки тормозные прицеп | шт | 788 | 130 |
| Привод спидометра | шт | 149 | 500 |
| КАМАЗ | | | |
| Вкладыши коренные р-0 - р-7 | к-т | 33 | 3800 |
| Вкладыши шатунные р-0 - р-7 | к-т | 36 | 3800 |
| Крестовина в сборе | шт | 215 | 960 |
| Сальники КПП и двигатели | шт | 10 | 385 |
| Рем.комплект водяного насоса | к-т | 10 | 1440 |
| Ремень 1320 | шт | 90 | 312 |
| МАЗ | | | |
| Балка переднего моста | шт | 4 | 14000 |
| Вкладыши коренные ЯМЗ 236 все разм. | к-т | 40 | 2200 |
| Вкладыши шатунные ЯМЗ 236 все разм. | к-т | 71 | 2200 |
| Выжимной подшипник | шт | 30 | 1920 |
| Крестовина в сборе | шт | 20 | 1152 |

А также имеется в ассортименте более 300 наименований

*Оплата по перечеслению и векселями по договоренности.*
*Адрес: г. Ташкент, ул. Айбека, 47.*
*Тел: (3712) 54-78-19, 54-93-07. Факс: (3712) 54-76-31.*



Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати

Абдулла ОРИПОВ, Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Одилжон ОЛИМЖОНОВ, Ислом ШОҒУЛОМОВ, Аслиддин БОЛИЕВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари), Салим АШУРОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Владимир ЧЕБОТИН (бош муҳаррир ўринбосари — «Голос Узбекистана»), Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»), Виктор ЗВЕРЕВ (масъул котиб — «Голос Узбекистана»).

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ
ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:

*Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 33-07-20, 36-33-40.*
*Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 33-11-49, 36-54-06.*
*Иқтисодиёт — 33-21-43, 36-57-22.*
*Фан ва маданият — 33-07-20, 36-33-40.*
*Хатлар ва оммавий ишлар — 33-76-04.*
*Ахборот ва спорт — 33-12-56, 36-55-16.*
*Халқаро ҳаёт — 33-20-36.*
*Саноат, қурилиш ва транспорт бўлими — 33-07-20.*
*Реклама ва эълонлар — 33-38-55, 33-47-80.*
*факс — 33-54-55.*

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

*Андижонда* — 24-16-48;
*Бухорода* — 3-54-87;
*Гулистонда* — 25-16-22;
*Жиззахда* — 3-31-86;
*Навоийда* — 3-39-20;
*Наманганда* — 6-43-43;
*Нукусда* — 7-58-83;
*Самарқандда* — 35-22-90;
*Тошкентда* — 33-12-56;
*Урганчда* — 6-51-35;
*Фарғонада* — 22-36-78;
*Қаршида* — 3-25-79;
*Қумқўрғонда* — 5-26-24.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000. ТОШКЕНТ. МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

*Навбатчи муҳаррир Н. ЖАЛИЛ, навбатчи Э. ЭСИРГАДИЕВ.*

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00120
•
Газета офсет усулида А—2 форматида 32 335 нусхада босилди
•
Ҳажми 2 босма табоқ
•
«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.
•
Г — 072

*Босишга топшириш вақти – 21.00.*
*Топширилди – 21.30*

1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА